

А Ж Р И М

2024 йил 25 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи В.Караманов, судья ёрдамчиси Ш.Салимовнинг котиблигида, Олмазор туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдузоҳиров, «OLMAZOR YURISTLARI» адвокатлик фирмаси адвокати Ш.Зияевнинг иштирокида Республика кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси бошлиғининг бемор Муминжанов Сарвар Рахмонкуловичга нисбатан қўлланилган мажбурий даволаш чорасини узайтириш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 2023 йил 11 июль кунги ажримига кўра Муминжанов Сарвар Рахмонкуловичга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий чораси қўлланилган бўлиб, у Республика кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлари шифохонасига мажбурий даволанишга юборилган.

Республика кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси врачлар комиссиясининг 2024 йил 28 сентябрь кунги 570-сонли хулосасига кўра, Муминжанов Сарвар Рахмонкуловичнинг соғлиғи яхшиланмаганлиги, унда руҳий касаллик аломатлари кузатилаётганлиги қайд этилган. Республика кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси бош шифокори томонидан бемор С.Муминжановга нисбатан муқаддам қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чорасини узайтириш тўғрисида илтимоснома киритилган.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, прокурор ёрдамчисининг хулосасини, адвокатнинг хулосада сўралган ҳолатни қаноатлантиришни сўраб берган фикрини тинглаб, илтимосномани қаноатлантиришни ва бемор С.Муминжановга нисбатан мажбурий даволаш чораси муддатини узайтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга биноан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541, 580-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Республика кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси бошлиғининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Муминжанов Сарвар Рахмонкуловичга нисбатан қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси муддати узайтирилсин.

Ажрим ижроси Республика кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси зиммасига юклатилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

В.Караманов

